

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 28 октябрь чоршанба

Сотувда эркин нархда № 214 (1995)

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

27 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилнинг 9 ойида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва жорий йилда устувор вазифаларининг бажарилишига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғот Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, компания, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

Мажлисни Бош вазир Ў.Султонов бошқарди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазир Б.Ҳамидов, Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В.Чен маъруза қилди.

Ташкилланган, ўтган давр мобайнида республикада иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш муваффақиятли давом эттирилди.

Бунинг натижасида ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоизни ташкил этди. Унинг 65 фоизи нодавлат секторда ишлаб чиқарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 106,1 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 104,9 фоизни ташкил қилди. Капитал маблағлар ётқизиш 116 фоиз, чакана савдо маблағи 113,1 фоиз, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 112,4 фоиз ўсди.

Давлат бюджетга тақчиллик белгиланган кўрсаткичлардан ошмади. Нақд пул эмиссияси белгиланган 12 фоиз ўрнига 8 фоизни ташкил этди. Инфляция

даражаси ўтган йилга нисбатан 1,7 баравар пасайди.

Айни пайтда қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш, маҳсулот экспорти ва валюта тушуми бўйича белгиланган топшириқларни бажариш, шартнома мажбуриятларига тўлиқ риоя этишда айрим қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари сустқайликка йўл қўймоқда. Шу сабабли бундай ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳоли оғирлигига қўймоқда. Жойларда кичик ва ўрта бизнес учун ажратилган хоҳиш кредитларни ўзлаштириш, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги ишлар ҳамон етарли даражада эмас.

Жумладан, “Ўзбектрансқурилиш”, “Ўзэлтехсаноат”, “Ўзмашсаноат”, “Ўзоқиқовқатсаноат” уюшмалари, “Ўзавтотранс” корпорациясида эркин савдо ва хоҳиш инвесторларга акциялар сотиш бўйича тармоқ дастурларини бажариш қоникорсиз аҳволда. “Ўзимёсаноат”, “Ўзавтосаноат”, “Ўзбекенгилсаноат” уюшмалари, “Ўзқурилишматериаллари” компанияси, Тошкент авиацияси ишлаб чиқариш бирлашмасида экспорт кўрсаткичлари ни бажариш ва валюта ту-

шумларини кўпайтиришда қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Ўзаро тўловлар бўйича қарзларни қисқартириш айниқса, Энергетика ва электрлаштириш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиқлари, “Ўзбекнефтегаз” миллий корпорацияси, “Ўзқишлоқҳўжалик-маш-хўлдинг” компанияси қорхоналарида сўст бормоқда.

Мажлиса Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида пахта ҳосили йилгир-терими, баъзи жойларда кузги бошоқли дон экинлари экиш сўртатлари паст эканлиги қайд этилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан “Ўзқишлоқ-ҳўжалик-маш-хўлдинг” компанияси раиси Р.Матчонов, Қашқадарё вилояти ҳокими Ш.Бегматов, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А.Тоҳиев, “Ўзимёсаноат” уюшмаси раиси Н.Юсупбеков, Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов, Навоий вилояти ҳокими Х.Ғаффаров ахборот берди.

Мажлиса Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

(ЎЗА)

ХИРМОН ТЎЛИБ, ТЎКИЛДИ ДОН...



Эрта баҳорда Сирдарё туманидаги «Шоликор» деҳқон ҳўжаликлари бирлашмаси 2650 гектар майдонга «ЎЗРОС-713» ва «Авангард» шили навларини экиб, юқори ҳосил олишни ният қилишган.

Айни пайтда далаларда шили ўрими қизғин давом этмоқда. 25 та «Енисей» ва 6 та «Кейс» комбайнлари 450-550 тоннадан шили ўрмоқда. Тиниб-тинимас шоликорлар ўрими 1 ноябргача тугатишни мақсад қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: ўрими пайти; илгор механизатор Фармонкул Равшанқулов, «Шоликор» деҳқон ҳўжаликлари бирлашмаси раиси Умурсўқ Дўстов, уюшма раиси Йўлдош Дониёров ва механизатор Қўчқор Жуманов шили ҳосилини қўздан кечирмоқда.

Б. ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРАДИ

Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги Факултетида ва Мухтор элиси Ш.Хамроқулов Брюсселда белегиланган Қирол Альберт II га ишонч ёрлиқларини топширди.

Тошкент маросимидан сўнг ўзбек дипломатининг Бельгиядаги давлати раҳбари билан Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги муносабатлар аҳоли ва ишқболлари тўғрисидаги сўхбати бўлиб ўтди.

“ЖАҲОН” АА

ИБРАТ МАКТАБИ

«Эккан» жамғармасининг Сирдарё вилоят бўлими ташаббуси билан Гулистон шаҳридаги 9-ўрта мактабда «Имом ал-Бухорийи поқлик ва ҳадисўйлик тинсоли» мавзусида ҳамда «Аҳмад ал-Фарғонийи бөлалар нигоҳида» мавзусида ўқушувлар ўтказилди.

Бу икки алломанинг ҳаёти ва ижоди фарзандлар учун ибрат

мактабидир.

Маърузалардан сўнг хайрия концерти берилди.

Ушбу тадбирни тайёрлаш ва ўтказишда Гулистон шаҳри 2-мавзе маҳалла домласи Абдуғаффор Ҳотамов, тил ва адабиёт ўқитувчиси Гулнора Эгамбердиева ва бир гуруҳ ўқувчиларнинг хиссаси катта бўлди.

Дилдора ХАЙМЕТОВА, ТошДУ талабаси.

БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ



Насрулло Мубошер ал-Тарозий, Миср университети профессори:

— Олтиш олти йиллик таълиқдан сўнг мустикалик шайхлиги билан она тулпаримиз қўлдан эдим. Бугунги кунда мен учун энг соддатлиги — ниломнинг иратилишининг ўзи буюк ватандошимизнинг фан оламидаги салохитининг кўрсатиб турибди. Мен ушбу ишлотнинг араб халқига қанчалик хизмат қилганини ўз кўзим билан кўрганман.

Муборак мустикалик, Президент Исом Каримов ташаббуси билан бобокалониимиз ана юртни қайтанидан кўнгилм осмон қадар кўтарилди. Ўзбекистонга илк бор мустикаликнинг беш йиллигида келган эдим. Илгарилари Ўзбекистон ҳақида эшитиб, матбуотдан ўқиб-билиб турардим. Мустикаликдан сўнг эса бу улкан ва қудратли юртда йилдан-йилга катта ўзгаришлар юз бераётганини ўз кўзим билан кўрипман. Ўзбекистон — буюк мамлакат. Буюк юртдан Бухорий, Фарғоний, Хоразмий, Амир Темур сингари улуг ўғлонлар ана етишиб чиқишга ишонаман. Ушбу кўптул тўй му-

Юртимизда ҳадис илмининг султони имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик муборак тўйлари катта тантана билан нишонланди. Бобокалониимизнинг муқаддас тўйларига қўллаб-қувватлаш мамлакатлардан йирик олимлар, жамоатчилик вакиллари таширф бўлди. ЎЗА мухбири уларнинг айримлари билан ҳам-сўхбат бўлди.

носабати билан Ватан ёшлари учун Миср ва Туркия ҳамда буюк хоржий мамлакатларнинг кутубхоналарида Аҳмад ал-Фарғонийи ҳаёти ва ижоди тўғрисида ҳўқик қилувчи бир қанча асарлардан қўриқмалар олиб келганимдан бахтиёрман.

Испн Хазия (Анкара университети):

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Биз Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Ибн Сино каби буюк зотлар шу заминда туғилганлиги ҳақида эшитган эдик. Айниқса, Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия ва математика оламидаги буюк хизматларини алоҳида санаб ўтиш ўринли. Фарғоний дунё фалакиёт илмининг асосчиси сифатида эътироф этилган. Шу боис ушбу тантаналарда дунёдаги жуда кўп мамлакатлардан соҳа олимларининг иштироки эътиборини ҳам бу буюк олим илмий меросининг қанчалик аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди. Мен Ўзбекистон ҳўкумати-нинг миллий қадриятларини тиклаш, маданиятини юксалтириш борасидаги ишларидан кўнгилм кўтарилди. Бу бордаги ўзгаришлар ҳақида кўп эшитган бўлсам-да, бугун ўз кўзим билан кўриб, ҳақиқатан ҳам, улуг ишлар амалга оширилганлиги гувоҳ бўлдим.

Муҳаммад Ҳалифа Хасан, Қоҳира университети профессори:

— Ўзбекистон истиқлолга эришган, биз каби хоржийлик-

лар учун катта имкониятлар очилди. Айниқса, Президент Исом Каримов раҳнамолигини даъватимиз, миллий қадриятларини тиклаш борасидаги ишлар тахсинга лойиқ. Мана ошма маъшуҳ Имом ал-Бухорийнинг муборак тўйи, Аҳмад ал-Фарғонийнинг таваллуд куни дунё миқёсида нишонланаётганининг ўзи бу боралдаги ишларнинг амаллиги кўрсатишидир. Чунки бу зотларни қадрлаган юрт ҳаммиса мунаввар бўлади. Биз Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришларга ҳавас билан қараймиз. Етти йил ичида бу заминда бир неча ўн йилликларга аришувчи ишлар қилинганлиги Тошкент, Самарқанд, Фарғона мисолларида кўриш мумкин. Юртимизда бектор меъморий обидалар қад ростлаши билан бирга, тарихий нишотларнинг келгуси авлодлар учун аяйлаб-асраш борасидаги ишларни қўриб, қўнгил зийда бўлди. Бундай юрт бундан кейин ҳам энг мўтабар зияратгоҳ ўлка бўлиб қолаверад.

Мавлоно Абдул Аввал (Бангладеш):

— Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги салохити тобора ортмоқда. Уни Марказий Осиёдаги энг ривожланган бораётган давлат сифатида жаҳон тан олди. Менга Самарқанд ва Фарғона жуда ёқди. Самарқанд тарихий бинолари билан ўзига мафтун этган бўлса, Фарғона шаҳридаги буюк олим номидаги оромгоҳ гузаллиги, ай-

ниқса аллома туғилган маскан — Қувватдаги қадимги Шахристон тепалигидан топишган ноёб топилмалар янада дол қолдири. Мен маънавияти бой, буюк алломалар юрти — Ўзбекистонда бўлганимдан хурсанман.

Фахсал Зоҳид Норин (Покистон):

— Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний илмий мероси ҳақида жойларда бўлиб ўтган илмий конференцияларда кенг фикр-мулохазалар билдирилди. Зеро, ушбу муборак зотларнинг фан оламидаги буюк ишлари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Албатта, бу боралдаги ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилади. Мен мустикалик Ўзбекистонда маънавий қадриятларини ривожлантириш борасида катта ишлар қилинганини Самарқанд ва Фарғона мисолларида кўриб, қаерда маънавият юксалса, ушбу юрт қудратли ва салохитли бўлади. Сафаримиз давомида муборак истиқлол туфайли ёшларга тарихий меросини ўрганиш учун катта имкониятлар яратилганининг гувоҳи бўлдим. Буюк алломалар тўйи муносабати билан манабунинг эътиборини таълаштирилган томошалар бир умр хотирамда сақлиниб қолади.

Расулжон КАМОЛОВ.



29 октябрь — Туркия Республикасининг Миллий байрами — Республика эълон қилинган кун

АБАДИЙ ҚАРДОШ ХАЛҚ

29 октябрь куни Туркия халқи мустикалик байрамнинг шонли 75 йиллигини катта танталар билан нишонлайди

Тарихда маълумки, 1919 йилда Туркияда Муштафо Камол раҳбарлигида мустикалик учун кураш бошланиб, 1923 йилда Туркия республика деб эълон қилинди ва Ота-турк номини олган Муштафо Камол унинг Президенти этиб сайланди. Шундан сўнг, давлат демократия тамойиллари асосида ривожлана бошлади. Бугунги Туркия демократия тамойиллари муштақсам қарор топган, дунёвий давлатдир.

Туркия давлатчилигини қарор топтириш, унинг жаҳон мамлакатлари орасида ўзига муносиб ўрин олишини таъминлаш, иқтисодини ривожлантириш борасида Ота-турк қўйган тамал тошлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу кўптул сана муносабати билан Туркиянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элиси Умур Алайдин ЎЗА мухбирига интервью берар экан, мустикалик сўзи билан бир қаторда Ота-турк номини ҳам кўп бор тилга олди.

— Туркия, — деди у жумладан, — Ота-турк бошлаган йўлдан бориб, у белгиланган йўналишлар, юлларга таяниб, ҳозирги даражага эришди. Дунё давлатлари орасида ўзининг муносиб ўринини эгаллади, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривож топди. Туркия шундай даражага эришгани ҳақида гапирар эканмиз, бу даврининг осон

кечмаганини алоҳида таъкидлаш керак. Дастлаб, мустикалик учун кураш, кейинчалик эса давлат қурилиши йўлидаги қийинчиликлар ва бошқа муаммолар 75 йиллик тарихимизнинг унутилмас саҳифаларидир. Халқимиз бу тарихий яшн билан ва мустикаликнинг қадрига тегарли ҳис қилади. Шу боис, турк халқи ўтган даврида Ота-турк қолдирган меросини — жумҳуриятини иқтисодий, ижтимоий, маданий жиҳатдан ривожлантиришга эришди.

— Биз — элчиҳона ҳодимлар давлатимиз мустикалигининг 75 йиллигини шу ернинг ўзига — Ўзбекистонда бирозларимиз билан нишонлаймиз, — деди сўзда давом этди элчи жаноблари. — Бу мана катта мамуннинг, гуруру ва фахр бахш этди. Чунки, кўптул санани Ота юртимизда, тили, дини бир қадрон халқ билан ўтказиш биз учун катта бахтдир. Зеро, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатларини фақат давлатлараро муносабат, деб бўлмайд.

Дустона руҳиди, узаро ишонч ва эҳтиром, самимий билан йўлдан бориб, у зўти хос муносабатлар бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатлардан тубдан фарқ қилади. Айни пайтда нафақат давлатлар, балки халқларимиз ўртасида дил, қўнгил, қўнгилнинг борлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди, деб ўйлайман.

Ўзаро алоқаларимизга

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирелининг таклифига биноан, Туркия Республикаси ташкил топганининг 75 йиллиги таътаналарида иштирок этиш учун шу йил 28-29 октябрь кунлари Туркияда бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг наватбдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни (матнда бундан бўён — Қонуни) 4-моддасини шарҳлаш ҳақида”ги масала кўриб чиқилди.

Масала Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан Қонуннинг 4-моддаси биринчи бандини шарҳлаш тўғрисидаги мурожаати муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ Конституциявий суд судьяларининг ташаббуси билан киритилди.

Қонун 4-моддасининг биринчи бандига шундай дейилган:

“Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотиини тури ва сажиясидан қатъи назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар”.

Мазкур норма хусусида унинг мазмунини ҳар хил тушуниш юзага келган бўлиб, бу ҳўқуқни қўллаш амалиётида жиддий хатоларга олиб келиши мумкин ва шу боис мазкур норманинг бир хилда тўғри қўлланилишини таъминлашнинг расмий шарҳ берилиши зарур.

Масалани ҳар томонлама муҳокама этиб, мутахасссларнинг фикрини аниқлаб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, Қонун нормаларини таҳлил этиб ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим нормалари билан қиёслаб, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Қонуннинг 4-моддаси умумий хусусиятга эга бўлиб, унга банддан иборат ва умуман Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Қонун 4-моддасининг учинчи бандига кўра Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги-ни олган шахслар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳисобланадилар. Чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш масалалари Қонуннинг 17-моддаси билан тартибга солинади. Унда мустақамлаб қўйилганидек, фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг илтимосномаларига биноан Ўзбекистон Республикасида қабул қилинишлари мумкин.

Демак, Қонун 4-моддасининг учинчи бандига мувофиқ фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олганларидан кейингина, яъни улар Қонуннинг 17-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилинганларидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳисобланишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг ўз тўққизинчи бандига ва Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳал қилинади.

Шундай қилиб, Қонун 4-моддасининг биринчи бандига қўрсатиб ўтилган шахслар деганда, қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлиш истагини билдирган Ўзбекистон ССРнинг фуқароларини назарда тутган.

2. “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9 ва 27-моддаларига биноан ушбу шарҳ мажбурийдир ҳамда матбуотда эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

ЎЗА мухбири
Анвар БОБОЕВ
сўхбатлашди.

[illegible]